


Қўшниларига озор берадиган кимса мўмин бўлмаслиги ва жаннатга кирмаслиги ҳақидаги боб



08:53 / 01.06.2021 5809

302. (221). Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Қўшниси унинг ёмонликларидан эмин бўлмаган киши (ҳақиқий) мўмин бўла олмайди».

Шарҳ: Демак, киши ҳақиқий мўмин бўлиши учун қўшнилари унинг ёмонликларидан эмин бўлишлари, ундан ёмонлик кўрмасликларига ишончлари комил бўлиши керак. Қўшнилари: «Қўшнимдан кўрқаман, хиёнат қилиб қўярмикан ёки бошқа бир ёмонлик қилармикан», деб юрадиган киши комил мўмин бўлиши қийин.

303. (260). Ҳасандан ривоят қилинади:

«Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мўмин - одамлар ундан омонда бўлган кишидир. Билиб қўйингларки, муҳожир - ёмонликдан ҳижрат қилган кишидир. Билиб қўйингларки, мусулмон - қўшниси ундан саломат бўлган кишидир. Нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, ҳеч бир киши, агар қўшниси

унинг ёмонлигидан омонда бўлмас экан, жаннатга кирмайди», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадисда учта муҳим масала, учта муҳим таъриф ва қўшнига ёмонлик қилмаслик ҳақида таъкид келмоқда. Яъни ҳақиқий – афзал мусулмон, афзал муҳожир ва афзал мўмин ҳақида баҳс юритилмоқда ҳамда қўшниси ёмонлигидан омонда бўлмаган одам жаннатга кирмаслиги уқтирилмоқда.

Ушбу ҳадисда келган мусулмон, муҳожир ва мўминнинг таърифи афзаллик таърифидир.

«Мўмин - одамлар ундан омонда бўлган кишидир».

«Иймон», «мўмин» сўзлари «амн» сўзидан олинган бўлиб, «омонлик», «ишончли» деган маъноларни англатади. «Мўмин» сўзи бизда ювош, хушфеъл маъносида ишлатилиши ҳам шундан. Мўмин одам доимо тинчлик, омонлик тарафдори бўлгани учун, одамлар унга жуда ишониб қоладилар. Яъни ўз жонлари ва молу мулкларига мўминдан ёмонлик етмаслигига ишончлари комил бўлади.

«Билиб қўйинглари, муҳожир - ёмонликдан ҳижрат қилган кишидир».

Бу таъриф ҳам худди аввалги таърифда зикр қилинган нарсаларни ўзида мужассам қилгандир. Унда «муҳожир» сўзининг маъноси тушунтирилмоқда. Яъни ватан, эл-юрт ҳижронидан иборат бўлган ҳижрат Аллоҳ қайтарган нарсалардан ҳижронда, яъни узоқда бўлишда ҳам собит бўлиши мумкинлиги айтилмоқда.

Дину диёнат учун ватанидан, яқин қариндошларидан узоқда бўлиш «муҳожирлик» деб аталади. Энди Аллоҳ қайтарган ишлардан, яъни гуноҳлардан узоқда бўлиш ҳам дин-диёнатга амал қилиш учун бўлгани учун «муҳожирлик» деб аталмоқда.

«Билиб қўйинглари, мусулмон - қўшниси ундан саломат бўлган кишидир».

«Ислом», «мусулмон» сўзлари «саломатлик», «тинчлик» маъноларини ифода этади. Шунинг учун «мусулмон - ўзга одамлар, хусусан, қўшниси унинг ёмонликларидан тинч ва саломат бўлган шахсдир», дейилмоқда.

«Нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, ҳеч бир киши, агар қўшниси унинг ёмонлигидан омонда бўлмас экан, жаннатга кирмайди».

Ҳадисдан қўшнининг ҳақлари, қўшнига ёмонлик етказмаслик, балки унга яхшилик қилишнинг нақадар улур амаллар эканини билиб оламиз. Одамларга ёмонлик қилмаслик, зарар етказмаслик, уриб-сўкмаслик, жонига, молига, обрўсига футур етказмаслик – буларнинг барчаси иймон, Ислом, ҳижрат, яхшилик аломатлари экан.

Қўшиларига ёмонлик қилиб юрадиган, қўшилари унинг ёмонлигидан қўрқиб турадиган одам жаннатга кирмас экан. Ушбу ҳадисдан қўни-қўшилари билан муомалани яхшилаш, уларга озор бермаслик вожиблигини ўрганиб олар эканмиз.

304. (262). Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин.

Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхшиликни гапирсин ёки жим турсин», дедилар».

Шарҳ: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифда Аллоҳ таолога ва охират кунига иймон келтирган кишининг икки сифати ва қилиши лозим бўлган иши ҳақида маълумот бермоқдалар, сиз билан биз умматларини ушбу амалларни қилишга чорламоқдалар.

1. «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин».

Қўшнига озор бермаслик Аллоҳ таолога ва қиёмат кунига иймон келтирган кишининг сифати, белгиси, аломатидир. Ким Аллоҳ таолога иймон келтирган бўлса, Қиёмат кунидан умидвор бўлса, қўшнисига озор бермасин.

Бу ва бунга ўхшаш жойларда Аллоҳ таолога ва қиёмат кунига иймонни зикр қилиш таъкидлаб айтилаётган ишларга тарғиб муболағали бўлиши учундир. Аллоҳга бўлган иймон доимо У Зотга муҳаббат ила итоат қилишга чорлайди. Охиратга бўлган иймон эса савоб ва азобни эслаб туришнинг асосидир. Кимнинг охиратга иймони бўлса, яхшилик қилади ва ёмонликдан қайтади.

Қўшнига яхшилик қилиш унинг ҳожати тушган ишларда ёрдам бериш ва ундан ёмонликларни даф қилиш ила бўлади. Унга озор бермайди ва эҳсон

қилади.

2. «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхшиликни гапирсин ёки жим турсин».

Доимо яхшиликни гапириш, гапирадиган яхшилиги бўлмаса, жим туриш Аллоҳ таолога ва қиёмат кунига иймон келтирган кишининг сифати, белгиси, аломатидир. Ким Аллоҳ таолога иймон келтирган бўлса, қиёмат кунидан умидвор бўлса, яхшиликни гапирсин, гапирадиган яхшилиги бўлмаса, жим турсин.

Яхши гапи бор бўлса, уни билса, айтишидан бирор манфаат келадиган бўлса, гапирсин. Яхши гапи бўлмаса, жим турсин. Ана шу иши Аллоҳ таолога бўлган иймоннинг, охиратга бўлган иймоннинг аломатидир.

Гапиришнинг ўз шартлари бор. Ким бу шартларга риоя қилмаса, адашган бўлади.

1. Гапириш учун сабаб бўлиши керак. Ундан фойда олиш ёки у ила зарарни даф қилиш кўзланиши лозим. Ушбу мақсадлардан бошқа ҳолда гапириш алжираш бўлади. Сабабсиз алжираш ўз эгасининг айбини очади, холос.

2. Гапни ўз ўрнида гапириш керак. Ўринсиз гап ҳеч қачон фойда бермайди.

3. Ҳожатига яраша гапириш керак. Ҳожатдан ташқари гапириш лақиллашдан бошқа нарса эмас.

4. Гап чиройли ва одоб доирасида бўлиши керак.

Демак, беҳуда гапларни гапириш мўминлик белгиси эмас. Ёлғон, бўҳтон, тухмат, ёмон, гуноҳ гапларни гапириш ҳам мўминликдан аломат эмас.

Мўмин одам гапирса, яхши гапиради, яхшилик тўғрисида гапиради, бўлмаса, жим туради.

Тилдан келадиган офатлар кўп ва турли-тумандир. Улар қалбни маст қилади. Инсон табиатида ҳам уларга мойиллик бор. Мазкур офатлардан қутулишнинг энг осон йўли жим туриш орқали бўлади. Бу жуда катта фазилатдир.

Жим туриш ҳимматни жамлайди ва фикрни софлайди.

Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир қанча ҳадислар келган.

Саҳл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким менга икки оёғи орасидаги нарсани ва икки жағи орасидаги нарсани муҳофаза қилиб берса, мен унга жаннатни муҳофаза қилиб бераман», дедилар».

Икковини Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу:

«Тилдан кўра қамоқда туришга ҳожатлироқ нарса йўқ», деганлар.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу:

«Икки қулоғингни оғзингдан сақла. Оз гапириб, кўп эшитишинг учун сенга битта оғиз, иккита қулоқ берилган», деган.

Мухаллад ибн Ҳусайн:

«Эллик йилдан бери кейин узр айтишга сабаб бўладиган бирор оғиз сўз айтмадим», деган.

Қўшнига озор бермаслик ва яхши гап гапириш, бўлмаса, жим туриш. Бу аслида жуда осон нарса, ўзи бир ҳадисга жо бўлган, лекин бутун оламга татигулик таълим-тарбияни ўз ичига олган.

Лекин минг афсуски, мўмин-мусулмонлар бугунги кунга келиб, бундай ҳадислардан ниҳоятда узоқлашиб кетишган.

Қўшнилари бугунги кунда энг ашаддий душманларга айланган.

Яхшиликни гапириб, бўлмаса жим туриш эса, Аллоҳ сақласин, тескарисига айланиб кетган, гапларимизнинг кўпи фақат ёмон гаплар.

Мана шу ҳадисларга амал қилиш, унда айтилган нарсаларга қайтиш биз учун бахт-саодат, икки дунёда обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлидир.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қўшнига яхшилик қилиш Аллоҳ таолога ва охират кунига бўлган иймоннинг аломати экани.

2. Яхши гап гапириш, бўлмаса, жим туриш Аллоҳ таолога ва охират кунига бўлган иймоннинг аломати экани.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Яхшилик ва силаи раҳм китобидан)